

ПАХТА ТЕРИШ МАВСУМИ ЯҚИНЛАШМОҚДА

Бу йил пахта тез етилмоқда. Бунда деҳқонларнинг хизмати катта. Прогрессив агротехника усуллари кенг қўлланилганлиги ҳам яхши натижа берди.

Баҳорги об-ҳавонинг нуқул келиши пахтакорлар иш-ни анча қийинлаштирди. Шундай шароитда эришилган натижалар кишини қувонтиради. Ўзга қондириб сугорилганлиги, минерал ўғит ўз вақтида келтирилиб, далага солинганлиги, ёзда серкўш иссиқ кунларнинг келиши — ана шуларнинг ҳаммаси ўз вақтида бўлишига эришди. Мутахассисларнинг фикрича, бу йил пахта бўтуригидан тахминан 12—15 кун эрта етилмоқда.

Бу йил ишларни механизациялаш даражаси тағин ҳам ортди. СССР Қишлоқ ҳўжалик министрида ТАСС муҳ-бирига айтишларига қараганда, қолхоз ва совхозлар пахта те-риши бошлангичи қадр турт қаторли «Ўзбекистон» пахта териш машинасида ва кенг па-торлаб экилган ўзга ҳосилини териб беришни мингтадан кў-проқ машина олади. Янги технология асосида чигит эки-ланг майдонлар тўхтовсиз қў-лаиб бормоқда, кейинги уч йил-нинг ўзига бундай майдонлар турт баравар кенгайди ва 180 минг гектардан ошиб кетди. Чигит кенг қаторлаб экилган

майдонларни ишлашда агрегат-ларнинг унумдорлиги учдан бир хисса ортди, сувчилар ка-майдди, чўки уларнинг ҳар би-ри кўпроқ ўзгани сугоригишга улғиради. Ҳосил ҳам чакки бўлмайди. Кенг қаторлаб экил-ган майдонларда одатдагидан бир ярим икки баравар кўп ҳосил олинади.

Ҳозир шундай майдонларда-ги ҳосил икки қаторли машина-лар ёрдамида терилмоқда. Кел-гуси йилдан турт қаторли агре-гатлар чиқарила бошланади. Уларни ишлаш учун анча кучли тракторлар керак бўла-ди. Белоруссия машинасозлари шундай тракторларни ишла-чиқаришга тайёргарлик кўриб қўйди. Бу йил пахтакорлар пахтачиликка мосланган «МТЗ-50Х» маркали «Белорусь» тра-кторларидан дастлабки беш ўн-тасини олади.

Терим техникасини ремонт қилиш тез суръатлар билан олиб боришмоқда. Лекин ҳали кўп иш қилиниши керак. Чўки бу йил машиналар ёрдамида янги пахта ҳосилининг қамиди қирк процентини териш мўл-жалланмоқда.

Пахтакорлар ҳосил учун ях-ши замин тайёрлаб янги муваф-фақиятларга эришишга, партия XXIV съездининг меҳнатда катта ғалабалар билан кўтиб олишга қарор берди.



ЯНГИЙУЛ районидagi Ленин

номли қолхознинг Рихсийой Хо-жибоев бошлиқ бригадда ҳар гектаридан 30 центнердан «оқ ол-тин» кўтариш учун кураш кетя-ти. Суратда: ўзгаларга ишлов бе-риш пайти.

О. ҚОЗОҚБОВЕВ фотоси.

ЧЕТ МАМЛАКАТЛАРГА

«Чирчиқсельмаш» заводи-нинг ахил коллективи республи-када қолхоз ва совхозларга та-қдирлаб қишлоқ ҳўжалик ма-шиналари етказиб бериш би-лан бирга уларни чет мамла-катларга экспорт ҳам қилмоқ-да.

Яқинда Ҳиндистон, Покис-тон ҳамда Кубадан қорхона-номига буюртма келди. Унда ана шу мамлакатларга ўнлаб маҳсулотларни юбориш илти-мос қилинган эди.

Т. СИХАРУЛИДЗЕ.

БИЗ энергетиклар шаҳарчаси томон йўл олди. Қўқинқуса аби-р «Москвич» машинаси Бело-род шаҳарининг гажуи кўча-ларидан ўтиб эски-кўча ариқ ёи-дан тепаликка кўтарилади.

Водий кенг бағрини ёзди. Янги дала-ларнинг поёни кўри-нади. Пахтазорлардан трактор-ларнинг бир меердаги тантанавор гулранг эшитилди. Кўна ариқ-орда қолди. Ленин нима учун-дир ҳаёлини ўша эски тарих са-ҳифаларини арақлашга қиришди. Сув тарихи-ҳақ тарихи. Ўтмишда сув учун қанчадан қанча инсон ҳаётлари қурбон бўлди. Ўзгариш-ларнинг қўли қанчалар остида ариқ қилиб, сув келтирилган хо-ру-зор ўтган.

Эндилкида ҳаёт бутунлай ўзга-ча. Бутун умр бўйи азоб-қўбат-да ҳаёт кечирган бечораниннг фард саҳносига айланган Мир-за-чўл ерлари эндиликда абди-й ба-ҳор гулистонига кўксини очган. Бу баҳорини Октябрь инқилоби, буюк Ленин даҳоси олиб келди.

Пўлда кетар эканмиз, ана шу-лар ҳақида ўнлаб борар эдик. Чап томондан ГЭС канали садафай арқираб кўринди. Лиммо-лим тў-либ оқаётган каналга севиниб қараб, унинг зумрад ёқасидан бо-рар эканмиз, ана шу асим Нур дарёсини бунёд этганларни ўнлаб кетдик.

Сирдарё Моваруннаҳрининг ў-кан асов дарёси бўлган. Унинг ҳақида қанчадан-қанча артақ, афсоналар, тарих ва ривоятлар бор. Мана бугун эса, у эртак даврини орқадан қолдириб, ҳақи-қий оби-ҳаёт манбаига айланган. Янги каналлардан водий бағрига шарқираб оқмоқда. Янги-янги бўстонларни пайдо этмоқда.

Машинамиз ГЭС дарвозаси ол-дида тўхтади. Бизни ГЭС ишчи-си, қаламқаш Бозилхон Тайе-нов қарши олди. Бозилхон бу-ерда қарийб ўттиз йилдан буюн ишлайди. ГЭС каналини қазини-да қатнашган. ГЭС биносини ти-лашда тўрт кўтарган. Электр симларидан нур оқанда унинг қўнғичиси бўлган. Умуман унинг онгли иш фаолияти ана шу Фарҳод чироқлари остида ўтган.

Бозилхон тепадан баҳайбат тўрбалар орқали турбоиналарга йўл олиб, учиб бораётган кудрат-ли сув оқинининг кучли гуви-лашига бироз қўлоқ бериб, бизга жиймайиб қаради. Бу қувончли қарашда олақ-олам маъна бор эди. Бир вақтлар неча терак бўйи пастандан оқиб ўтган Сирдарё жи-ловлангандан кейин тепадан оқиб ўтиб, она дийрга сув ва нур ма-наини яратди.

—Ажойиб Фарҳодимиз бор,— дей Бозилхон дарё йўлига қара-раб, сўнг севиниб қўш нурлар-да жиймайиб, янги бахмалга бурканиб, одам-олам кўру-файз бахш этган уфқи кўрсатди.—нур

бериб гулистонга йўл олапти азамат. Тайеннов ҳамон олис уфқдан кўз олмас эди. Янги дала-лар орасида ўтган Сирдарё каналлари мавж уриб оқапти. Катта-кичик каналлар худди қизлар сочига ўшаб турган томонга бўлиниб кетган.

Бозилхон ГЭС биносига қараб, у ердан чиқиб келаётган қоржа-мали кишини кўрсатди.—дўстлар, э-л-юрт нурхонамизни Фарҳод но-ми билан аташди. Уни Фарҳод қурмаган, уни ҳу аनावу пастан-дурбанидан ёнидан чиқиб келаёт-ган азамат кишиларимиз—Исро-ил Мирзахолов ва у қаби «Алпар-си» инжигларимиз қўришган. Биз Исроил ака билан сўхбатлашиб, унинг ҳақида таърих ҳўқорлаб ёзишларининг истар эдик. Ёза-ар-ийди, ҳақиқий Фарҳодлардан бири. ГЭСимизда Исроилга ўх-

салаётган болаларга қўшилди ке-лаверганман. Келганимдан кейин уйга хат ёздим. Отам ўғай эди. Ойимнинг эса хат-саводи йўқ эди. Уларим ёш эди. Мен кўп кут-дим, лекин уйдан жавоб хат оло-мадим. Танишларга хат ёзсам, улар отанг, ойинг ва укаларингиз бошча олис жойга кўчириб олиб кетдилар деб жавоб ёзиш-ди. Шу-шу уйдан хат оло-май хат-хабарсиз қолиб кет-дим. Техникимиз битказай деб турганимда Фарҳод ГЭС қурили-ши бошлангич кетди. Бошқалар қаторида мен ҳам бу умумхалқ қурилишга келдим. Мана шу жойда аввало тўпроқ ташиб, ҳарсанг кўтарганман. ГЭС биносини қуришда ишлаганман. Шунинг учун ҳам мана бу нур бера-ётган машиналар ани ГЭС биносини—менга жуда азиз. Мана қарийб ўттиз йилдирки, шу ерданман. Бо-

нида тўй бўлиб кетди. Шундан буюн борди-келди қилиб турамиз. Мирзахолов бошини кўтариб ГЭС биносига қаради. Юзига та-бассум югуриб, сўзини давом эт-ди:

—Менинг ин-сингиларим кўп, манами ГЭСда ишлаган 200 га яқин кишиларнинг ҳаммаси ме-нинг оға-иниларим, опа-сингилла-рини бўлади. Бу ерда Мамадали Ха-санов, Бозилхон Тайеннов, Нико-лай Куприянович Сидоров, Соли-жон Муратов, Агратиний Иван-овна Муромкина, Юсуф Йўраев Собир Ҳамидовларнинг номларини тилга олмай ўтмайман. Улар-нинг ҳаммаси ГЭС қурилишида мен билан бирга ишлаган. Улар дўстман. Ҳа, ҳали айтганимдек эди азиз кишиларимиз улар. Мирзахолов тилга олган ҳам-кас кишиларнинг ҳаммаси Фар-

ҳод ГЭСда ишлайди. Қўларини электр монтер бўлиб ишлагани. Мураккаб ва шарафли бу иш уларга шон-шараф келтирди. Улар коммунистик меҳнат брига-дасининг аъзолари. Кўп йиллик самарали меҳнатлари учун ҳуку-матимизнинг ордени ва медаллари билан мукофотланганлар. Мирза-холов бир неча бор Тошкент ой-ласт советига депутат бўлиб сай-ланган. Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва бир қанча медаллар би-лан мукофотланган. Партия ташкилотининг активларидан бири ҳисобланади. У партия топши-риқларини бажаришда ком-муниста хос тайрат ва ташаббус кўрсатиб, коллектив ўртасида катта ҳурмат қозongan.

Мирзахолов қўлини кўтариб, водий бўйлаб олис-олисларга йўл олаётган каналларни кўрсата-ди. Мана, Янубий Мирзақўл ка-нали. Унинг чап томонидан ма-шина станцияси орқали қардош Тошкентнинг Мирзақўлдан ўзлаштирилган янги ерларига йўл олади. Киров канали ўртадан ў-ноқлаб оқляпти. Далварзин ва Масхоч каналлари ҳам шу она дарёдан янги ерларга, янги бў-стонларига йўл олмақда. Улар-нинг ҳаммаси неча ўн минг ге-ктарлаб янги ерларни сугорди. Уларга оби-ҳаёт келтирди, янги

ҚИШЛОҚДАН МАКТУБЛАР

(Хатларга обзор).

Областимиз қишлоқ ҳўжалик ҳо-дими мамлакатимизнинг барча меҳнатчилари қаби партиямиз Марказий Комитети июль Пленуми қарорларини ақидили билан маъ-қуллаб, кўтиб олдидлар.

Июль Пленуми қарориди қишлоқ ҳўжалигини янада ривожлантириш-нинг жанговар программаси белги-лаб берилди. Унда қишлоқ ҳўжа-лигида фойдаланилаётган ерларнинг маҳсулдорлигини ошириш, қамроқ маблаг сарфлаб кўпроқ маҳсулот еттиштириш, қорачиликнинг мо-дий озуқа базасини мустаҳкамлаб, ҳар бир қорва молидан олинган маҳсулотни оширишнинг конкрет йўллари кўрсатиб берилди.

Июль Пленумида мамлакатимиз бўйича 1975 йилга бориб қўш иш-лаб чиқаришни 15,6 миллион тон-нага, суғ таёйрлашни 98 миллион тоннага, туҳум таёйрлашни 51 миллион донга етказиш вазифаси қўйилди. Бунинг учун қорачилик фермаларини механизациялаш, қорва туғилини кўпайтириш, дав-латга қўш учун топшириладиган ҳар бир қорамолнинг тирик вазни-ни қамиди 350—400 килограммга етказиш ва шунга ўхшаш қатор тадбирларни начиллик билан ама-лга ошириш талаб этилади.

Шу кунларда областимиз қорва-дорлари ўтган беш йилда қўш суғити йили топшириқларини ба-жариш учун қизгин кураш олиб бормоқдалар. Ўтган олти ойда қор-вачиликнинг қатор соҳаларида ш-муваффақиятлар айкаланди.

9899 тонна қўш (тирик вазнида) таёйрлаб ярим йиллик план анча ошириб адо этилди. Мавжуд соғин ситилардан 33487 тонна суғ соғ-иб олинди. Бу йиллик планнинг 50 процентини таъини қилди. 44032,2 минг донга туҳум таёйр-лашнинг худди шу даврига нисбатан 12 миллион дондан кўпроқдир. Янги таёйрлаш ярим йиллик плани ҳам анча ошириб бажарилиб, бу йилги ишлари бажарила бўлди. Улар кейинги беш йил мобайнида йилга таёйрлаш планини бажара олмай давлат олдида қардор бў-либ қолишга таян эди. Йилларлар илгари йўл қўйилган начилликлар-ни тутатиш учун курашиб, таёйр-лов пунктларига 13500 ўғитга 13560 центнердан кўпроқ «қумуш тола» туғилиши эришилди.

«Молли ҳўжалик» — молли ҳў-жалик» дейишди қорвадорларим-из. Ҳўжаликда кўлаб қорвачи-лик маҳсулотлари ишлаб чиқари-лини, суғ, қўш, туҳум ва қорва-чилик маҳсулотлари таннархининг

арзон бўлиши ем-хашак таёйрлаш-га боғлиқ. Редакциямиз қишлоқ ҳўжалик бўлимига келатган кўпгина хат-ларда жамоатчи муҳбирларимиз беш йиллик планда қўрсатилган топшириқларни бажариш учун курашиб, моддий бойлик ярате-ган паррандабўқарлар, қорвадор-лар меҳнат фаолиятлари ҳақида ҳикоя қиладилар.

Юзори Чирчиқ районидан хат ёзилаган Мухтор Ҳолиқов ва Со-бир Ҳолбеков ўртоқлар «Политот-дел» қолхоз қорвадорларининг Амир ана Баниёзов бошлиқ брига-даси ишларини таҳлил қилишга. Уларнинг қорвачилик моддий база-сини яратиш йўлидаги меҳнатлари-ни конкрет рақамлар билан ери-тишган.

«Қорвадорлар ҳаммати» сар-лаҳули хабарини эса шу районда-ги «Коммуна» қолхозидан М. На-зирбеков, Т. Собитов ўртоқлар ёзишган. Унда қолхозда қўла-лаш, суғ илдириш даражасида кат-та ютуқларни кўлга киритган қор-вадорларнинг меҳнати кўрсатиб қўйилган.

И. Одилов, Н. Мўминов, Н. Тў-фанов, А. Қодиров, О. Турсунов, М. Устабобоев, Х. Ёқубов, Н. Му-самуродов ва бошқа қорва ўртоқ-лар юборган хат-хабарларда ҳар беш соғин ситилдан кўлаб суғ соғ-иб улар туғилини кўпайтириш учун курашаётган қорвадорлари ютуқлари, қўш олинган планни оши-риб бажаришга эришган қўвадор-ларнинг меҳнат фаолияти ҳақида ёза-дилар.

Қорва моллари зотини, улардан олинаётган маҳсулот сифатини яхшилаш йўлида меҳнат қилаёт-ган қатор қорвадорлар ҳақида эса ўртақчилик Т. Ҳўшабаров, Б. Умаров, Бўстонқўл районидан Х. Муротов, Х. Фахруллоев, Қали-нин районидан Х. Ёқубов, янги-йўлдан И. Ёрибобоев, Х. Сулаймонов ўртоқлар хабар ёзиб юборишган.

Қишлоқ муҳбирларимиз кўла-б ем-хашак таёйрлаётган, кўлаб суғит еттиштириш, ҳар беш қорва молидан олинган маҳсулдорлигини ошириш йўлида тиним меҳнат қилаётган илгор қорвадорлар ҳақи-да ҳам ёзишган.

Эндилкида жамоатчи муҳбирла-римиздан бизнинг шу танимат кун-ларидан фойдаланиб, қорва қи-шлоқда намунавий таёйрлаш ра-йонига қўйилган қорвадорлар қорва, қорва моллар туғилини оши-риш, фермаларда моллар зотини яхшилаш устида ишлаган илгор зоотехникларнинг ишлари ҳақида турли хат-хабар ва лавҳалар кў-тамаи.

ҚУРАМА ТОҒИ ЭТАКЛАРИ—ОЗУҚА ХАЗИНАСИ

Қурама тоғининг этакларида-ги йилларда Тошкент обла-стида қўлақларнинг қўлдан «қўп ота»лари ўтлаб қўрибди. Ўрта Чирчиқ районидидаги ишти-роллаштирилган «Октябрь» сов-хозининг 10 минг беш миллин жулки қўйлари деғиз сатхи-дан икки минг метр баландлик-да бормоқда. Бу ерда об-ҳа-вонинг салқинлиги, ўт-ўланнинг қалинлиги тўғрисида қўйлар тез ўсиб, қимматбаҳо жун тобо-ра кўпаймоқда.

Тоғлар—ҳўжалиқнинг асосий озиқ хазинаси. Минг гектар-лик йилловда ўт ўриб олинган. Манжақҳоризорларда, Бу қуду-лар ўтлоқларини сув билан таъминлаш йилловга сув чиқар-иш имконини беради. Суғирил-ган лалмкор ерлардан йилдан икки баравар кўпроқ дав-гал ва ширани озиқа йиғимиз деб турибмиз.

ем-хашак еттиштиришни тоғт қўлайтирамиз. Бизда 15 минг гектар-лаликкор ер бор, шун-дан ўн уч минг гектари йиллов-дир. Ем-хашакбўқ экинлар би-ринчи марта сугорилди. Тоғ-дан Тутанбоёсов соғин шарқ-раб оғиб турибди. Унинг ўзла-ни тозаллаб чўқурроқ қовлай-мизмида наладан далага сув чиқарамиз. Бу сув макан-қор-вадорларнинг, бедазорларнинг қанқонини қондириш учун ета-ди. Ана шу экин майдонлари икки баравар кўпайтирилиб, бир ярим минг гектарга еткази-лади. Бир қанча артезиан кў-дўлар қазилди. Бу қуду-лар ўтлоқларини сув билан таъминлаш йилловга сув чиқар-иш имконини беради. Суғирил-ган лалмкор ерлардан йилдан икки баравар кўпроқ дав-гал ва ширани озиқа йиғимиз деб турибмиз.

СУВЧИЛАР ҒАЙРАТИ

Янгиқирғи ва Пахтакор райо-нлари меҳнатчилари партиямиз XXIV съездининг янги ғалабалар билан ишчилик ҳақидаги ва-танпарварлик ташаббуси Илги-йўл районидида «Ленинград» қолхозининг аъзолари ўртасида кенг қўлаб-қувватланмоқда.

Деҳқонлар барча имкониятла-рини ҳисоблаб чиқиб, ошпа-ранга маълумот олдидлар. 810 гектар ерининг ҳар гектаридан 25 ўғитга 30 центнердан пахта топшириш учун курашмоқда. Бу нисба қолхоздаги 80 суғчи ҳам ўзининг муносиб хиссасини қўшмоқда. Улар ишчи икки сме-нада таъини қилиб, ўзганини талабига қараб сув қўйишляпти. Паст тендиклардаги экинлар-нинг қанчақ қилиниши йўл қў-йилинмаяпти. Шунинг учун ҳам ўзгаларда мўл ҳосил тулланяпти. Ҳозир ҳар туғ ўзига уч-тўрт бўлиқ қўсан санач муҳи-кин. Сувчилар ва механизатор-лар августни зарбдор ой, эълон қилидилар. Улар ҳар туғ ўзига қамиди уч-тўрт қўсан туллаш учун астойдил меҳнат қилмоқ-далар. Қолтоз правлениси ва партия ташкилоти далада ишла-ётган кишилар учун барча қў-лайликларни яратиб бормоқда. Суғчи ва механизаторларга ю-шнинг ҳақ тулаш юзасидан за-рур тадбирлар қўрилади.

Т. ИМОВОВ.

ТУҲКИНЧИЛИК

Бизнинг мана шу пиццачилик кўчаларида қолхоз дала-ларини, боғларини айланган киши ҳам-ма жойда туқин-сочинлик усти-дан чиқди.

Қалинин районидида Навоий номли қолхоз дала-ларида саба-завоткорлар, боғбонлар ҳосили-ни йиғиб-териб олиш билан банд. Олча, олхўри, олма, ўрик ва ширин-шакар узум пешма-пеш шаҳарчиларга жўнатил-моқда.

Бу йил деҳқонлар учун ба-рангали ва саҳий келди. Баҳор эрта келиб сабазавот кўчатлари ерга ҳар йилдан вақтироқ экилди. Парварини маромида вақтида олиб борилади. Дала-ларда мўл ҳосил еттиштирилди.

Сабазавоткорлар бу йил дав-латга 4350 тонна сабазавот, 1150 тонна картошка, 900 тон-на полиз маҳсулотлари ва 65 тонна мewa етказиб бериш маж-буриятини олганлар.

Юсак мажбуриятга яраша жон куйдириб меҳнат қилган азаматлар шу кунгача меҳнат-қашларга 1000 тоннага яқин сабазавот, 300 тоннадан ортқ картошка етказиб бердилар. Мewa сотиш плани бажарилиб. Меҳнатнашлар дастурхонига шу кунгача 65 тонна ўғитга 78 тонна мewa тортиқ қилинди.

Сабазавот маҳсулотлари ети-штиришда қолхознинг М. Исмон-лов бошлиқ бригадаси пешқа-дамлик қилмоқда. Бригада асо-сан пенсионер отахонлардан ташкил топан. Улар пайкал-ларда мўл ҳосил еттиштиришди. Миришкорларнинг бу йилги ниятлари ўзла-рига қарашли 40 гектар ердан мўл сабазавот ҳосили олишди. Шу кунгача 200 тоннага яқин саба-завот, 50 тоннадан ортқ карто-шка, пизз ва бошқа маҳсулот етказиб беришди. Бригада аъ-

золари қолхоз правлениси ва партия ташкилоти томонидан бир неча марта мунофотланди.

Қолхоз сабазавоткорлари КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорларини кўтарики руҳ билан кўтиб ол-дилар. Оширилган мажбурият қабул қилиб, қўшимча 500 тонна сабазавот, 100 тонна кар-тошка, мewa ва полиз маҳсулот-лари етиштиришга аҳд қилиш-ди.

Қолхозда Жамил Зокиров, Турсунбой Маҳмудов бошлиқ эвенолари ҳам сабазавотдан мўл ҳосил еттиштиришда жон куйди-риб меҳнат қилишмоқда. Қўлга киритилаётган ютуқлар шу меҳнатсевар, миришкор саба-завоткорлар фидокорона меҳнати-нинг мевасидир.

Е. АЗИМОВ, М. ҚАЮМОВ.



1.-НАЗАРБЕК совхозда қорва қишлоғига тайёргарлик қизғин. Ишчилар 400 тоннага яқин силос таёй-лаш учун ҳаракат қилмоқдалар. Суратда: манжақҳори уриш пайти.

Б. САФАРОВ фотоси.

ПЛЕНУМ ҚАРОРЛАРИ—ОММАГА

Ходимларнинг бу галги ке-нгашни КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарор-ларини кенг халқ оmmasи ора-сида ёйиш масаласига бағиш-ланди.

Кенгашини область партия комитети пропаганда ва агита-ция бўлимининг мудирини Ш. Н. Тошпулатов қилиб сўзи билан очди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пропа-

ганда ва агитация бўлими му-дирини В. А. Архангельский КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми материалларини кенг пропаганда қилиш соҳаси-да ҳамда партия XXIV съез-динга тайёргарлик қўриш дав-рида област идеология ходим-лари олдига турган вазифалар ҳақида таъкидди.

Тўйхат ўрнида САҲОВАТЛИ ҚАЛБ



мантас ариғлиги жушқин қай-ноқ меҳнат йулини босиб ўтди. Шу мазмунли умр дафтарига бир назар ташлаётми!

1937 йил. Солиҳ ана Октябр районидagi 34-мантабда бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлаб боради. Тарих фанидан дарс бериб.

1941—1943 йиллар давомида она-Ватан ҳимосида бўлиб, Москва мудофасида қатнашди.

Урушдан қайтган Солиҳ Собитов Қорасу районуни 10-мантабга директорлигиб таъинланди. Кейинчалик район халқ маорифи бўлимида инспектор бўлиб ишлади.

1945-1950 йилларидаги фаолияти Янгйўл районидан ўтди. Район халқ маорифи бўлимининг мудири сифатида таълим-тарбия ишлари яхшилашга қўшган ҳисса кўчди.

1951 йилдан буён эса Солиҳ ана Собитов Тошкент области халқ маорифи бўлимида бош инспектор. Энди унинг фаолияти бир мантаб, бир район миқёсидан чиқиб, бутун области миқёсига кўчди.

Инспектор — маориф бўлимининг юрғи. Ўқув-тарбия ишларининг биринчи ҳақини, бевосита унинг аралашуви, иштироки ёки ёрдами бўлмасин! Солиҳ ана бу соҳада ҳам энг ишчан ҳодим сифатида танланди.

— Моҳир педагог ва таърибали методистдан кўп нарсани ўргана бўлади, — дейди области ўқитувчилар мажлисининг оширини институтининг директори ўртоқ Х. Қобулов. — Солиҳ ана Собитов бошчилиги ва таърибасига қарамай ўзи устидан тинмай ишлайди. Унинг бевосита ташаббуси билан области миқёсига кўпгина методик ва илмий конференциялар ўтказилди.

«Мантабларда иккинчи йилги ишлаш учун кураш» ва методик таърибларда, «Таълим-тарбия ишларини яхшилашда кўпни ўзлаштирилган гуруҳларнинг аҳамияти» деган мазмунда бўлган илмий-методик конференцияларга бошчилиги қилди. Унинг ташаббуси билан таълим этилган район халқ маорифи бўлимининг инспекторларининг университет машғулоти ҳам жонли ва қизиқarli ўтди.

— Биз Солиҳ Собитов билан ҳамкорликда яқинда методик куланима ёзиб тугалладик, дейди республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи И. Исмонлов. — Ана шу китобчада моҳир педагогининг бой иш таърибалари ва методик хулосалари ҳам ўз ифодасини топти.

Области халқ маорифи бўлимининг бош инспектори С. Собитовга нисбатан айтилган бундай илмий гапларни, яхши ишларини бошқа ҳамкасбларидан ҳам эшитиш мумкин. Ана шу севили педагогининг туғилганга 50 йил, педагогик фаолиятига ўттиз йил бўлди.

Халқ меҳнат қилган киши элда азиз, дейдилар. Солиҳ Собитовнинг ҳам маориф соҳасидаги кўпйиллик педагогик фаолияти муносиб таъдирланди. У «Хурмат белгиси» ордени билан мунофотланди. Педагогга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи» унвони берилди.

Ўқитувчи қалбини кўшга қиёс қилишларча бор, Шу қалб кўши илмга қанқоқ қанчадан амак урил-қилар оғизга, факри насб эгаллари — ўқитувчилар билан бир сабаб.

Шу ўтган йиллар ҳамкасблари натори унинг учун ҳам изиланиш ва маҳорат, улағиш ва мамолот йиллари бўлди. Ҳа, у ибратли,

13-«БЎСТОНЛИК» совхозда олма узати қизғин. Бу йилда 40— ва 41 — мактабларнинг ўқувчилари ҳам актив қатнашмоқдалар. Суратда: илгор ўқувчилардан У. Абжалилова, Р. Мамаюсуповлар олма термашпти.

Н. ПОРТНОВ фотоси.



ДАЛА МЕҲНАТКАШЛАРИ УЧУН

ҲАВАСКОРЛАР — ДАЛАДА

Шу кунларда областимизнинг азамат пахтакорлари мўл ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар. Санъаткорлар эса жозибдор куй ва қўшиқлар билан улар дилини хушнуд этмоқдалар.

Кунни кеча Оққўрғон район маданият уйининг бадий ҳаваскорлари колхоз ва совхозларга жўнаб кетишди. Ҳаваскорлар икки бригадига бўлинган. Ҳар бир бригада 18 қўшиқчи, музикачи, раққоса бўлиб, дала шийлоқларида концертлар бермоқда. Улар прогаммаси хилма-хил. Ўзбек, тожик, қозоқ, қирғиз, татар ва бошқа халқларнинг ашула, рақсларини ижро этилади. Ҳаваскорларга район маданият уйининг мудири Салима Шокирова раҳбарлик қилмоқда. Улар пахта йиғим-терим давригача райондаги колхозларнинг дала шийлоқларида, клубларида бўлишди.

Ҳозир областимизнинг Оржоникизе, Калинин, Юрчи Чирчиқ бадий ҳаваскорлиги тўғрисида

ранлари аъзолари ҳам дала меҳнаткашларига турли прогаммаларда концертлар бериш учун жойларга жўнаб кетишди.

КОЛХОЗЧИЛАРНИНГ ОҒИРИ ЕНГИЛ БЎЛМОҚДА

Ҳозир областимизда 34 та маданий-манший хизмат кўрсатиш пунктлари ишлаб турибди. Бу пунктларда маданий хизмат қилишнинг ўзидан ортиқ хил колхозчилар оғирини енгил қилмоқда. Бундан ташқари, дала шийлоқларида, колхоз, совхоз марказларида ихтисослаштирилган автомашиналар ҳам маданий-манший хизмат кўрсатмоқда. Бу автомашиналарда хизматкаш, ҳар хил бичиш-тичи ишлари дарҳол бажарилади. Агарда радиоприёмнинг ёки телевизорнинг ишламаётган бўлса, илжон борича тез тузатиш имкони ҳам бор.

Бундан ташқари ўн бешта яқин колхоз ва совхозларда маданий-манший хизмат кўрсатиш устанолари ташкил қилинган. Бундай устанолар Урта Чирчиқ райониди «Ле-

нин йўли» ҳамда Свердлов, Бўки райониди «Хамза», «Кўкорол» совхозларида намунали ишлаб турибди.

Яқинда Горький областидан ажойиб совга келтирилди. Бу махсус автомашинада ўнга яқин маданий-манший хизмат кўрсатиш имкони яратилган. Бу автомашиналар областимизнинг Бўстонлиқ ҳамда Бўка районлари территориясидаги колхоз, совхозларда хизмат кўрсатади.

КИНО ХИЗМАТИ ЯХШИЛАНМОҚДА

Шу кунларда Паркент марказида 300 ўринли кинотеатр қурилиши тугай деб қолди. У 300 ўринли бўлиб, кенг экранли кинофильмлар кўрсатилади. Шундай кинотеатр биноси ҳозир Қўрайда ҳамда Қазалентда қад қўтарётди. Яқинги ўзини Олмазор посёласида ҳам кинотеатр қуриш ишлари иланаштирилди.

Области кинолаштириш бошқармаси ҳозир районлардаги колхоз-совхозларда, дала шийлоқларида 220 дан ортиқ кино устанолари ташкил этган.

З. МУҲАММАДИЙОНОВ.

ХАР ТЎҒРИДА ЛАЗЕР НУРИ ТАРЖИМОН

Янги совет лазер установа-каси бир саҳифа япон тилидаги текстни ўқиб, рус тилига ёки бошқа тилларга таржима қилиб чиқариши учун бир минут ҳам вақт кетмайди.

Москвадаги инженерлик физикаси институтида голография ҳодисасидан фойдаланган ҳолда япон адабиётининг автомат тарзда таржима қилиш методи ишлаб чиқилди. Бир неча қатлам гойт сезгир эмульсия югуртирилган пластинкага газ лазерини воситасида керакли миқдорда нероглифлар ёзиб қўйилди. Шундай пластинка ўзига хос голографик хотира блокни вазифасини адо этади.

Лазер нури тексти ёритилганда таниш образ (нероглиф) учраб қолса, шунинг акс ёруғлиги пайдо бўлиб, у фотоприёмникдан ўтган, электр сигналга айлантирилади. Шунга қараб нероглифнинг рус тилидаги тегишли маъносини танаб оллинади.

Установка ё экран билан (бунда рус тексти пайдо бўлади), ёки босувчи қурилма билан таъминланиши мумкин. Қилинган таржима мутахассиснинг техниканинг тексти билан анча муфассал таниши чиқишга имкон беради.

Совет мутахассисларининг фикрига қўра, голографик методлар, масалан, ҳисоб техникасида кенг қўламда қўлланила бошлаши мумкин.

Плазма ҳосил бўлиши каби тез ўтувчи процессларнинг тадқиқ этишда голографлар танҳо бир воситадир.

В. РИБЧЕНОК, (ТАСС мухбири).

Реклама ВА Телевидение

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.25 — Кўрсатувлар програм-маси.

Рус тилида: 18.30 — Телеянгилар, 18.45 — Тошкент Давлат университетида репортаж, 19.25 — Елкама-елка (бадний фильм).

Ўзбек тилида: 20.45 — Телеянгилар, 21.00 — Концерт, 21.30 — Сўхат-саломатлик (тележурнал), 22.00 — У. Умарбеков, Одам бўлиш қийин (телеспектакль премьераси, 1-қисм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

ДУСТИК ЭКРАНИ

18.00 — Янгиланган панорама-си, 18.20 — Пионер ёзи, 19.00 — Шезария мухлисларига, 19.30 — Эстрада концерти.

20.00 дан — Москва кўрсатади

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 — Гехард (телефильм).

Рус тилида: 20.20 — Ленин ча-қириларига жавобан (хукуматли фильм), 21.10 — Берлине қўши-лар, 21.40 — Иван Грозний (бадний фильмнинг 2 серия).

Театр

МУКМИН НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 30/УИ да Ленин манитим (яқини бивода), 31/УИ да Амаб сав-долар.

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

Қизлар фитниси — «ЧАНКА», «ЎЗБЕКИСТОН 35 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА», «СПУТНИК» (кундуз ва кечурун).

Оқ бўрилар — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «МОСКВА», «ТОШКЕНТ СОВЕТНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК» (кундуз ва кечурун).

Сайқа — (2 серия) — НАВОИЯ ноили (кундуз ва кечурун), «ЎЗБЕКИСТОН 35 ЙИЛЛИГИ», (кундуз соат 12 ярим ва 3 да).

Гула ва тош — «САБЪАТ СА-РОПИ (кундуз ва кечурун).

ЕЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 9 ва 10.40 минутда бошланади).

Оқ бўрилар — «ФЕСТИВАЛЬ», Қизлар фитниси — «ХИВА», Севи ёши — «РАКЕТА».

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

30 июлда
М. ҚОРИЕҲУВ
НОМИДАГИ ЎЗБЕК
ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИ-
СИННИНГ ЎЗБЕК АШУЛА
ВА РАҚС «ШОДЛИК»
АНСАМБЛИ ВА
СОЛИСТАРИНИНГ

Катта концерти

ҚАТНАШАДИЛАР: Ўзбеки-
стон ССР халқ артисти ҚУН-
ДУЗ МИРНАРИМОВА, Ўзбеки-
стон ССР да хизмат кўрсатган
артист КАМРАТ ОТАБОВ, VI
нхон фестивалининг лауреа-
ти Анавар РУСТАМОВ;
СОЛИСТАЛАР: Алижон ҲАСА-
НОВ, Сора ШУКУРОВА, Қиз-
лархон ДУСТМУҲАМЕДОВА,
Шариф ҚУРБОНОВ, Назрулла
ЕКУБОВ, Динфуза ЖАББОР-
ОВА ва бошқалар.

Концерт кеч соат 8 да бош-
ланади.

Билетлар концерт зали нас-
сасида кундуз соат 2 дан со-
тилади.

БУТУНИТТИҲОҚ «КАСАД»
илминийлаб чиқариш
БҲРЛАШМАСИННИНГ ЎРТА
ОСИЕ ЛОПҚАМОНТАЖ
ИШЛАРИ БОШҚАРМАСИГА

жойларда ишлаш учун: эле-
ктрон-ҳисоблаш машинаси энс-
платацияси ва солаш таж-
рибасига эга бўлган инженер-
техниклар, ҳисоблаш техника-
си билан таниш бўлган авто-
матика-телемеханика бўйича
инженерлар, радиоаппарату-
раларни регулация қилувчи
техниклар, 4, 5, 6 разрядли
радиомонтажчилар

КЕРАК

Меҳнат ҳақи-биринчи етап,
чи категория бўйича.

Муропаат учун адрес: Тош-
кент шаҳар, Чилонзор райо-
ни, Афшон кўчаси, 48-ўй. Тел.-
фонлар: 77-56-62, 77-03-70,
77-49-31.

«САРОБ» УРИБ
ТУШИРИЛДИ

ҚОҲИРА, 28 июль. (ТАСС).
Кеча Мисрнинг қирувчи бом-
бардимончи самолётлари Су-
вайш каналининг шимолги Се-
каториди Манзал қўли устиди
Исроилнинг «Сароб» типиди
бир самолётини уриб туширди-
лар.

Бу сўғиш ўн кун мобайнида
Миср учувчилари ҳаво жангида
уриб туширган Исроилнинг ик-
кинчи самолётидир.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриятининг
босмаханаси, Тешент шаҳри.

Г. 1699.

ИНДЕКС — 64697.

Р — 01754.

Янги чемпионлар

Пойтахтимизнинг йиринч спорт базаларидан хисобланган «Ешлик» аренасида спорт муҳ-
лисларининг сезимли жойига
айланб қолди. Янгида бу ер-
да спорт гимнастикаси мусоба-
қалари бўлиб ўтган бўлса, кун
кеча классик курашчиларнинг
республика шахсий-команда
биринчилиги ўтказилди. Уч
кун давом этган гилам устида-
ди «жанг»ларда барча кўнгил-
ли спорт жанглари вакиллари
иштирок этидилар.

Ўз вази топфалари бўйича
Р. Давидов, Н. Қолмаев, Е.
Зеленин (Динамо), Ш. Изиев,
Э. Юсупов (Меҳнат), Б. Тур-
сунов (Тошкент), В. Драченко,
В. Егоров (Локомотив), Р.
Довлатов ва И. Очидиев (Бу-
ревестник) республика голиби
унвонига сазовор бўлишди.

Команда ҳисобида «Динамо»
жанглари вакиллари биринчи
ўринни эгаллашди.

ҲАМШАХАРЛАРИМИЗ
ЖАМИЯТ ГОЛИБИ

Гомель шаҳрида биринча
кун мобайнида «Локомотив»
кўнгилли спорт жанглари ет-
дил атлетикачиларининг мусо-
бақалари давом этди. Марка-
сий совет мусобақасида ўзбек
спортчилари ажойиб галабани
қўлга киритдилар. Улар барча
рақибларини орада қолариб,
106 очко тўплашди ва «То-
комотив» Кўнгилли спорт жа-
мияти Марказий советининг
бешинчи бўлидлар.

БАХИСЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Мана бу хабар эса Украинан-
нинг Харьков шаҳрида. Бу ер-
да теннис бўйича ёшлар ўртаси-
да мамлакат шахсий-команда
биринчилиги бошланди. Ҳам-
шаҳарларимиз биринчи ўра-
шувида кучли ҳисобланган

украин командасига 1:6 ҳисо-
бда бой бердилар. Аммо,
мағлубият командамиз аъзо-
ларининг руҳини туширмади.
Набатлаган мусобақада улар
Молдавия командасини 5:3 ҳи-
собида, Тожикистон теннисчи-
ларини 5:1 ҳисобида мағлуби-
ятга учратдилар.

Мамлакат биринчилиги да-
вом этмоқда.

ВАТАНДОШЛАРИМИЗ
ОЛДИНДА

Голландияда давом эттаёт-
ган гроемейстерлар мусобақа-
сида 2 тур ўйинлари бўлиб
ўтди. Турин пешқадам-
лари бўлиш совет шахматчи-
лари Борис Спасский ҳамда
Лев Полугаевскийлар яна ра-
қиблари устидан голиб чиқди-
лар. Жаҳон чемпиони голлан-
диялик Р. Хартгоги, Полуга-
евский Югославия шахматчиси
Д. Яношевични мағлубиятга
учратди. Энди пешқадамлар-
нинг тўплаган очколари 9 та-
га етди.

Гроемейстерлар мусобақаси-
да қатнашаётган учинчи ваки-
лимиз Ефим Геллер эса ҳозир-
га 6.5 очко билан тўртинчи
ўринни эгаллаб турибди.

БАСКЕТБОЛЧИЛАР
МУВАФФАҚИЯТИ

«Сан-Ремо шаҳри мукофо-
ти»ни СССР терма командаси
қўлга киритди. Ватандошлари-
миз барча рақибларини енгиб,
сўғиш уграшувида Франция
баскетболчилари билан куч с-
нашдилар. Ўйиннинг биринчи
яримдаёқ совет спортчилари
ташаббуси ўз қўлларига олиш-
ди ва 26:12 ҳисобида олдинга
ўтидилар. Танаффусдан кейин
ҳам баскетболчиларимизнинг
устувилигига ақлоб кўришди тур-
ди. Уграшув 58:34 ҳисобида
туғди.

ПАРК—ШАҲАР

СОФИЯ, 28 июль. (ТАСС).
Болгарияда Плевен муқаддас
шаҳар, рус-болгар дўстлигининг
рамзи деб аталади. Мамлакатни
турклар зулмидан озод қилган
рус жангчиларининг хоки шу
ерда муқаддас сақланмоқда.
Уш йиллардаги воқеалар бил-
лан боғланган кўп жойлар му-
зейларга айлантирилган. Тарих-
ий жанглар бўлиб ўтган жой-
ларда қўлдан-қўл ўрмон-парк-
лар барпо этилган.

Плевен мамлакатининг энг
қўқаламзор шаҳридир. Ҳозир
бу ерда янги парк вужудга
келтирилляпти. Парк хушманса-
ра жойда 420 гектардан зиёд
майдонни эгаллайди.

ИГВОВАРЛИК БАРБОД
ҚИЛИНДИ

ҚОҲИРА, 28 июль. (ТАСС).
Иордания армиясининг бўли-
малари кеча кечурун Исроил
ҳарбий патрулининг Иордан
дарёсидан кечиб ўтиш мақсади-
даги уришини барбод эти-
лар, деб хабар беради МЕН
агентлиги Аммондан.

Иордания армияси вакил-
ининг айтишига қараганда, дей-
лади шу хабарга. Исроил па-
трули қоронғи тушгандан фой-
даланиб, Иордания дарёсидан
кечиб ўтишга ва Иордания тер-
риториясига киришга уриган.
Кулени Иордания армиясининг
пистирмасига тушиб қолган, пе-
чинини мажбур бўлган. Икки
ўртада бошланган ва ҳамаси 10
минут давом этган отишма вақ-
тида Исроил солдатларидан ик-
ки киши ўлдирилган.

ЯДРО ҚУРИЛМАСИ СИНАБ КЎРИЛДИ

ПАРИЖ, 28 июль. (ТАСС).
Франция Полинезия орола-
ридаги Тинч океан синаб по-
лигонига кеча чоғроқ қувад-
даги ядро қурилмасини кириш
мақсадида портлатиб қўрди.
Бу 1970 йилги программа

доирасида амалга оширилган
шу хилдаги қурилманинг ол-
тинчи синовирид.

Уш программага мувофиқ
Полинезияда яна иккита ядро
портлаши ўтказилиши керак.

(ТАСС).